

Фулум Жұға

ҚОРА БЕРЗА



ҒУЛОМ ЖЎРА

Қ О Р А Б Е В А

достон

Тошкент
«Navro'z» нашриёти
2015

КВК 81.12(3 Ўзб) 3
J40

Фулом Жура

**Қора бева/достон/ Ф. Жура. — Тошкент. “Navro‘z”
нашриёти, 2015 й. 28 б.**

Мазкур достонда жаҳонда бугунги кунда долзарб муаммолардан бири — “Одам савдоси” билан машғул одамсимонлар кирдикорлари ва бу мудҳиш қонхўрликка муккасидан кетган мулкпарастлар ҳатто ўз эрларини ҳам қурбон қилиши ўргумчак Қорақурт образи талқинида масал шаклида баён этилган. Достон интиҳосида Истиқлол орзумандларини Ватанга садоқат, унга жон фидо этиш, огоҳлик ҳамда “қассоб”лар қора курсида жазосини топиши муқаррарлиги уқдирилган.

ISBN 978-9943-381-14-8

© “Navro‘z” нашриёти, 2015 й

Мажозий тимсоллар ортидаги ҳикматлар (Сўз боши ўрнида)

Барчага маълумки, бадиий адабиёт аксарият ҳолларда инсон қалб кечинмаларининг бадиий ифодаси тарзида талқин этилади. Дарҳақиқат шундай, ижод аввало шоир қалб кечинмалари, тафаккур тарзи, фикр-мулоҳазаларидан туғилади. Бироқ, яна бир жиҳати ҳам борки, унда нафақат шоирнинг ўй-хаёллари, қалб ҳарорати, балки унинг бир инсон, ижодкор қолаверса, бир фуқаро сифатидаги ўзини қуршаб турган макон ва замонга ижтимоий муҳитга, теграсида, унинг кўз ўнгида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига нисбатан муносабати ҳам ифодаланади. Шу боисдан “Адабиёт — ҳаёт кўзгуси” дейдилар. Сўз санъатининг киши қалбини, диди ва дунёқара-шини шаклланишидаги эстетик таъсирини инкор этмаган ҳолда адабиётнинг ва уни яратувчи ижодкорнинг ижтимоий ҳаётдаги маърифий-тарбиявий ўрни ва масъулиятини, қолаверса қадрқийматни ҳам айни шу жиҳат белгилайди, десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Яна адабиётда “ижодкорнинг фуқаролик позицияси” деган тушунча ҳам борки, у ҳам адабиёт аҳлининг ижтимоий мақомини белгилайдиган муҳим омилдир. Бунини биз энг қадимги антик давр адабиётидан тортиб, ўзимизнинг шарқ мумтоз адабиёт вакиллари ижодида ҳам, ҳатто асли ижодкори ким эканлиги номаълум бўлган, халқ тафаккури, муайян миллат, элу улус закосининг маҳсули дея баҳоланувчи фольклор асарларида, турли эртақ ва

афсоналарда, матал ва масалларда, мақол ҳамда айтимларда ҳам кузатамиз. Демак, адабиётда нафақат ижодкор шахсияти, бал-ки давр руҳи, кайфияти ҳам ифодаланар экан. Биз муъжазгина бир китобчага сўзбоши учун нимага гапни бу қадар узоқдан, адабиёт назариясидан бошлаганлигимиз эҳтимол, Сиз азиз китобхон-ларга қизиқ туйилаётгандир. Унда яна бир гап, мана шу кичкинагина китобчада, муаллиф Фулом Жўранинг айни кунда бутун оламда энг долзарб муаммолардан бирига айланган “одам савдоси”дек мудҳиш жиноят-ларга нисбатан муносабати ифодаланган. Шоир, ўз асарида муаммони очиб бериш учун шарқ адабиётининг “Зарбулмасал”, “Калила ва Димна”, “Панчатантра” каби ўлмас адабий хазинасига хос бўлган мажозий тимсоллардан фойдаланади. Аввало, дostonнинг “Қора бева” деб номланишида ҳам ўзига хос маъно яширин. Табиатшунослик, ёки зоологиядан озгина хабари бор киши биладики, ҳашаротлар оламидаги энг захарли қорақуртлардан бири худди шу ном билан юритилади. Унинг табиатида эса маккор-лик, ёвузлик намо-ён. Олимларнинг кузатиш-ларига кўра бу жон-зотнинг модаси, ўзидан насл қолдириш учун нарларини турли усуллар билан жалб қилиб, муродига етгач, уларнинг қонини сўриб нобуд қиларкан:

*Йиртқич Қорақурт ўргимчак авлодидан,
Ҳашаротхўр турфа муфтхўр аждодидан.*

*Макр-ла бўлар”ошиқ” нар зотиға ёлғон,
Зинода жавонни этар шаҳид-қурбон.*

*Умр ўткизар ҳийла қўнжида ул жанон,
Шу боис Қорақурт яшар бева ҳамон.*

***Ажаб унга ўхшаш, каззоб жонзотлар бор,
Бойлик асираси, лек яшар танҳо, хор!***

Муаллиф ана шу табиат ҳодисасидан, ижтимоий муаммони ёритиш учун фойдаланади:

***Нафс гирдобида жон шому саҳар қақшаб,
Яшар макр-ла ҳар лаҳза йиртқичга ўхшаб.***

***Ўргимчак макрига хос бор бир ҳикоят,
Бу йиртқич ҳийласи ҳақида ривоят.***

Яъни одам зотига мансуб бўлгани ҳолда, маънавий қиёфасини йўқотиб, ўз ҳирсуҳавасларига берилиб, фаҳш йўлига кириб ўз танасини сотаётган ёки қўшмачилик қилаётган, ҳатто баъзан тузоққа илинган содда касларни маст қилиб, ички тана аъзоларини кесиб олиб қўяётган, бу мудҳиш ва манфур қилмишлари билан нафақат аёл деган номга, балки бани башар, инсон зотига иснод келтираётган айрим бетайин “ожизаларнинг” жирканч қиёфасини очиб беради.

Бошдан оёқ мажоз бидан баён этилган ушбу дostonни ўқир экансиз, ундаги ҳар бир фикр, воқеа-ҳодиса, ҳаттоки образ ҳам айни ҳаётдан олиб ёзилганлигига иқрор бўласиз. Зеро, осонгина пул топиш илинжида ана шундай чиркин алдовлар тўрига илиниб, кейин хору зор, бир умр ногирон бўлиб қолаётган кишилар ҳақида бугун Сиз турли оммавий ахборот воситалари, телевидение ҳамда радио орқали ҳам муайян маълумотларга эгасиз.

***Чет жойга борувчи ортди кунба-кун,
Не мардлар алданиб йўқолди бус-бутун.***

***Авралган ўғлонлар боғланиб безанжир,
Бева камандига тушарди бирма-бир,***

**Фарзандлару ёри кутарди, интизор,
Ота-ю онасин кўзлари йўлда, зор.**

Бироқ, адолатли жамиятда бундай нокасларга ўрин йўқ, улар бир кун бўлмаса, бир кун албатта жазога тортиладилар. Асардаги Қорақурт ҳам ўз қилмишлари ошкор бўлишидан ҳадиксираб, гумашталари билан ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пулларини бўлаша олмай, бошқа юртга қочиб кетаётганида, адолат посбонлари томонидан қўлга олинади:

**Чучиб қочар бўлди хуфёна бебурд қурт,
Истади беташвиш, бекас сокинроқ юрт.**

**Кушхонадан чиқди қора машъум тунда,
Ҳақ қонун посбонин қучди сабр-ла шунда.**

**Адолатнинг ҳукми бўлгач чўх, устувор,
Албат топгай жазо қонхўрлар муқаррар!**

**Қорақурт қўлига тушгач занжир-кишан,
Қолмади ўргумчак тўдасидан нишон.**

**Ёшу қари, каззоб, қонхўр ўргумчаклар,
Юлинди ҳаётдан мисли зарпечаклар.**

Муаллиф айни пайтда ўз ўқувчисини, айниқса ҳали балоғатга етмаган, гўр ёшларни огоҳликка, маънавий покликка даъват қилиб, уларни илмли, зиёли ҳамда ҳунарли бўлишга ундайди.

**Лек нафс гирдобида учраб турар ҳамон,
Қонхўр, юлғич, каззоб тўлқини беомон!**

**Олам гултожи, замин сарвари инсон,
Ақл соҳиби сен уларга келтир қирон!!!**

Айниқса муаллифнинг асар хотимасида баён этган фикрлари ўзининг тарбиявийлиги билан аҳамиятлидир. Унда шоир ёшларни Истиқлол берган имкониятлардан оқилона фойдаланиш-

га, улуғ юртга муносиб фарзанд, садоқатли фуқаро бўлишга даъват этади:

*Ҳаёт гулшанида фириб-ла кўриб кун,
Яшар гулрў санам, номард зотлар бугун.*

*Тутиниб дўсту ёр, парвона, учарлар,
Боринг ўмариб ё жон олиб қочарлар.*

*Хушёр бўл, эл-юрт, эрк, Истиқлол фарзанди,
Ўзлигинг англа, бўлмагин нафсга банди.*

*Зеро, сен адолат юртига меросхўр,
Ҳар қадаминг босмоқдан аввал ўйлаб кўр.*

*Каззоблар илдизин кес, эй буюк авлод,
Ватан-чун эт жон фидо, шул асл мурод!*

Бир сўз билан айтганда, кекса педагог шоир Фулом Жўранинг мазкур манзумасини мутолаа қиларкансиз, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг “То ҳирсу ҳасад хирмани барбод ўлмас, эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас” деган пурҳикмат нақллари беихтиёр ёдингизга тушади. Бу ёруғ оламда фақат эзгу ўй, эзгу амалларгина кишига бахт-саодат келтиришига яна бир карра амин бўласиз. Достоннинг ижтимоий, маърифий-тарбиявий аҳамияти ҳам айни шундадир. Ўйламизки, китоб шеър ихлосмандарига манзур бўлиши би-лан бирга Фулом Жўранинг ўзига хос табъи назми, ижтимоий фаоллигининг ифодаси сифатида ҳам китобсевар халқимиз кўнглидан ўз ўрнини эгаллайди.

*Муҳиддин ОМОН,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси, шоир.*

МУҚАДДИМА

Ҳаёт гулшанида яшар турфа жонзот,
Бир-бирин кемириб ризқ-чун ҳайҳот.

Ҳн саккиз минг олам жомиди гул сочиб,
Мисли булоқ қайнаб ўтар кўзин очиб.

Тирик жоннинг бордир мудом кушандаси,
Ғанимин кўрганда титрағай барчаси.

Сайд этар бақани авраб илон зоти,
Ғар тушса нигоҳи бақраяр шу заҳоти.

Бақа ҳам чивинга тўйса, сайрар қувноқ,
Гулзор кўринур оч кўзига ҳар ботқоқ.

Гулдан-гулга кўчиб бол йиғар аризот,
Ҳни Зарғолдоқ тутса ҳаёти барбод!

Чекиртка деҳқоннинг душмани ашаддий,
Паррандага ул парҳез таом азалий.

Беозор капалак ёвлашар ўзаро,
Бир-бирин еб умри бўлар бевақт адо.

Табиат қўйнида бу оддий ҳақиқат
Тангри инъомидур—тақдир, қилинг тоқат!

Саналсада азалдан замин сарвари ҳам.
Башар кушандаси—мулк талашган одам,

Қўй ўрнига қилган боласин қурбонлик,
Эслаганда деймиз: "... даҳшат, зўравонлик!"

Йиртқишлар ҳам ўтар тўйдим, демай бефикр,
Шундоқ ҳаёт тугар, интиҳоси бешукр.

Тақдирда борин бир-бир жонзот кўриб сўнг,
Жафосидан бўлар дилтанг, соқов ёхуд гунг.

Кимдан қолар боғ-роғ, бино қатор-қатор,
Эл хизматин қилган бўлмас хору ночор.

Адолат инсонга берар шону шараф,
Қонхўр зот эса — боғдаги сассиқ алаф!

Оллоҳ яратувчи, инсон-чи яралмиш,
Башар меҳнат ила ўз ризқин олармиш.

Турфа зиддият-ла жонзот умр ўткизар,
Оқибат — ҳар жонни чоҳи замин ютар.

Сунггиси аввалин зуд инкор этибон,
Тангри наздида ўзини этар қурбон.

Бетиним жараён баҳри асло битмас,
Беинкор очилиб гул ифор сочиб ўтмас.

Офтоб чиқиб, тун чодрасин инкор этар,
Ҳаёт фалсафаси шундоқ, кунлар ўтар.

Нафс гирдобиди жон шому саҳар қақшаб,
Яшар макр-ла ҳар лаҳза йиртқичга ўхшаб.

Ўргимчак макрига хос бор бир ҳикоят,
Бу йиртқич ҳийласи ҳақида ривоят.

Қора бева макри

Кучиб юрар элда турфа ривоятлар,
Тилдан тилга ўтиб беқанот ҳикоятлар.

Қирон балиқ, айиқ, турна, оққуш, илон
Кимгадир дўст ёхуд ёв, бераҳм олар жон.

Йиртқич Ўргимчак ҳам шу жонзотнинг бири,
Кеча-ю кундуз сайд айлар ёйилган тўри.

Мудом уя қурар сокин ковакларда,
Яшар чўл, дашт, тўқай хилват бурчакларда.

Қадим Қорақум чўли, тўқайларнинг бирида,
Заҳарли муфтхўр ин қурганди тўрида.

Ўргимчакзот саккиз кўзу оёқли расво,
Модаси яшармиш ёлғиз, эрсиз—бева.

Олд икки оёғи эгри, нишли йиртқич,
Авлоди ҳийлакор, осон бермас тутқич.

Тортанак тўр тўқиб, ёйиб сабр-ла кутар,
Ўткир тирноқларин қайраб сайдин тутар.

Жонли тушса гар тўр коми-ўпқон ғорга,
Аввало шитоб-ла захр сочар жондорга.

Ҳашаротхўр олти томонига юрар,
Ўлжасин бераҳм зот “шарт-шурт” тезкор бўғар.

Ҳар он кўрар саккиз кўз-ла олти ёнин,
Сайдин жаллод чирмаб, кейин олар жонин.

Дорга илинганин дарҳол чирмаб кўяр,
Сўнгра хиром-ла шоён кўзини ўяр.

Йиртқич Қорақурт ўргимчак авлодидан,
Ҳашаротхўр турфа муфтхўр аждодидан.

Макр-ла бўлар “ошиқ” нар зотига ёлғон,
Зинода жавонни этар шаҳид-қурбон.

Умр ўткизар ҳийла кўнжида ул жанон,
Шу боис Қорақурт яшар бева ҳамон.

Ажаб унга ўхшаш, каззоб жонзотлар бор,
Бойлик асираси, лек яшар танҳо, хор!

Уруғ қўйишда ўргимчаклар галаси,
Гоҳ жанг қилар ковак талашиб модаси.

Аниқ бўлгач даргоҳ, урғочи беҳаё,
Рақсга тушар, этиб нарларни маҳлиё.

Жанона Қорақурт нарин чорлаб чунон,
Авраб қуришарлар ўпқонсимон ошён.

Ишва билан рақсга тушиб этиб хиром,
Кўз ўйнатиб санам, эркагин этар ром.

Карашма-ла ишқий базмин бошлар мода,
Рақс авжиди сочин ёр шода-шода.

Муҳаббат базми эмас, бу бари ёлғон,
Қўшнафснинг ҳийлакорлик макри бегумон!

Чумоли, суварак, қўнғиз, пашша ҳар он,
Тўрига тушса гар этар ниш-ла бежон.

Ўргимчак мардини лаҳм эт-ла боқиб,
Ишвага киргуси бепарда тутоқиб.

Парвона этиб ҳар лаҳза ишқ базми-ла,
Қурармиш оила гажакдор жазм ила?

Тортиб оғушига модаси эркагин,
Авраб-алдаб адо этгайдир истагин.

Кетарин билмасдан охират комига,
Нари уруғин жойлар жанона жомига.

Заҳардор олд панжа-ла силар бошида,
Ҳомила тутгач, гўл мардак оғушида.

Заҳар ўтиб мардак танига жимирлаб,
Бежон қолар ул талвасада қимирлаб.

Лаҳза ўтмай мода нарин кўзин уяр,
Ипла чирмаб шу он дорга осиб қўяр.

Аввало сўлаги оққунча кутарлар,
Сўнг Қорақурт нарин бурдалаб ютарлар.

Шу алпозда кун-тун, ой-ю, йил кечгай,
Нарлар жонин олмиш ул бева мечкай.

Шу боисдан газанда номи “Қора бева”,
“Нарлар кушандаси” мақомига эга..

Ранго-ранг ҳаётнинг бордир баланд пасти,
Кимга тордур осмон — кўк қуббасин ости,

Лақма-ю бербурд, пасткаш зотларга зўр ошён,
Ўзга жонзотларга ҳам бебаҳо макон.

Кимга кенг жаҳон, лек бир “жигар”га зордир,
Амалу бойлик бор, лек жаҳонда хордир.

Дүппи тагида бош агар бұлса омон,
Бошга тушганин күз-ла кұрар тирик жон!

Бұлмаса “ота” деб чорловчи аржуманд,
Кимга керак ҳамён тұла ҳақиқ, гарчанд.

Кимга соғлиқ керак, пулга эмасдур кул,
Олди тұла фарзанд, бордир таянч ұғил!

Кимлар Оллоҳ дебон қалбга иймон сұрар,
Бетавфиқлар — фақат ош ила нон сұрар.

Мулкдорлар кеккайиб, писанд қилмас дүстин,
Ұйлағай: дунёга бўлурман деб устун?!

Жаранг-жаранг этса ҳавода ақчаси,
“Хизматга юкуниб келармиш барчаси?! ”

Шу аснода ақча деб қашшоқ Қорақурт,
Серунум манзилга кўчди ташлабон юрт.

Қорақум чўлидан илашиб хашакка,
Кучиб келди макрдор қурт салқин гўшакка.

Ўргимчак ҳар лаҳза қўллабон бийрон тил,
Нар зотига зуд-зуд топди талбис-йўл.

Ишқ дардида ёнди бир ўргимчак-овсар,
Қорақурт тутди “қаллиқ” деб сарбасар.

Рақсга тушиб, абжир юриб, кулиб шоён,
Сўлагин оқизиб, чўзиб тортди ҳар ён.

Қуриб тортанак уй, балиқчи тўридек,
Осилиб ўйнади, озод қул-чўридек.

Беор имлаб қуртой комига овсарин,
Чоҳ-уйни безади бўлай деб офарин.

Тортанак манзилга илинди илк пашша,
Чирмаб қўйди шу он, ажаб шоша-пиша.

Илк зиёфати лаҳм гўштли тансиқ овқат,
Емоқ-ичмоқ керак, бериб сабру тоқат.

Овсар эрни тортиб инга ўргимчакой,
Кучин танга олиб, бежон этди ҳой-ҳой!

Тунда устухондан шилди этин-этга,
Сўнгагин тизди сўнг мослаб зар ипга.

Илк бетавфиқ куртой макони қошида,
Маслакдош бевалар йиғилди бошида:

“Ҳийла ила қилмоқ керак ғаройиб иш,
Ҳеч ким қилмас гумон, десин ажойиб иш!”

Қоракурт даставвал тузармиш жамоа,
Гумашталар бисёр, айтилди муддао:

“Чет жойлик “дўст”ларла очайлик идора,
Топилур шунда бир ечим ила чора!”

Кейин эр сўнгагин этиб шода маржон,
Шақирлатиб рақсга тушди бева чунон.

Ақчадан тақиб хил-хил камарбанд кармон,
Ошuftаларда заб ўйғотди чўнг армон.

Беадаб қилиқ-ла кўрсатди ўз аслин,
“Манманлик”-ла очди бадбашара аксин:

“Ким мен-ла ишлашга қилса журъат, маъзур,
Шартнома тузамиз жойма-жой, баҳузур!”

Тамшаниб курт деди сирли боқиб кўрга :
“Истовчи жанонлар ўтсин баланд тўрга!”

Пинҳона иш бошлар эмиш секин-аста,
“Кимга керак ақча, кимнинг дили хаста?”

Тадбиркорона иш юритилса илдам,
Ҳамкори олармиш ўлжа бирор ёрдам:

“Бизга керак эмас ёлғончи-ла фолчи,
Ошиғингиз шунда турар фақат олчи!”

Олганинг олдингда, еганинг — қорнингда,
Ютганинг сеники, қолгани — бўғзингда!”

Қора бева

Дебон ўргимчакой ўлтирарди қўрда,
Алдов-ла топарди емишин бир бурда.

“Дайди” берухсат чет жойга чиқувчи кўп,
Ҳақ давлат божини бермай қочувчи кўп.

Сара малахлар ила “дайди”лар авралса,
Иш битар беиз, сал пичоқлар қайралса!”

“Сариқ иблис!” дебон жонзотлар парвона,
Гоҳ хеш- ақробосиз қолар, ул девона.

Нафс гирдоби тортса комига начора,
Камандга тушарди ноилож бечора.

Алдов каломи-ла “сайрарди” бийрон тил,
Суғурилгандек аста хамирдан нозик қил:

“Жами сарф-харажат идора танидан,
Кам чегирамиз иш ҳақидан, жонидан!”

Дебон мижоз аввал авраларди аста,
Инонтитарди қўрт кўз қисиб бирпасда.

Лақма бенифоқ қўл қўйиб шартномага,
Сўнг оларди қоғоз-қалам аҳдномага.

Чет жой шартларига мос ўн беш йигит,
Тинчгина “учармиш” экилгандай чигит.

Етиб манзилгоҳга қўлдан- қўлга ўтар,
Сотилиб қўл каби бенишона кетар.

Лек етгач “қўки”дан ота-онасига,
Ёпармиш сарполар сингил-опасига.

Гўмашталар тарқаб ўз хонадонига,
Макр қолди корчалон Бева гарданига.

Ҳийла чокин йиртиб ақча гирдобида,
Жаллодхон тузди режа оби-тобида.

Талпинди унумдор ҳийла уясига,
Бевалар суқди бош Бева ғоясига.

Тутиб тугунчалар занона ишратга,
Ўргимчакойлар йиғилди ғийбатга.

Қабоҳат турида бир-бирин қучоқлаб,
Зап сакраб рақс тушди узулгунча ичаклар.

Қийқириқ, нағмалар бетакрор, ўзгача,
Пардоз-андоз, ўсма-сурма кўзгача.

Осилиб оёқ-қўл-ла тортанакка,
Гоҳ имларди нарин, зордек бир мардакка.

“Меҳмонлар” англади ишрат-базм сўнгида,
Лаззат-чун нақдина—пул керак, ўнгида.

Сармаст бир хонимча ютибон сўлагин,
Деди хиром-ла ўйнаб ақиқ бўлагин:

“Қатнаб Қорақумга бўлганман бой тужжор,
Эрлари басавлат, бадавлат ақчадор.

“Кўки”дан пачкалаб олиб юргани кўп,
Бири семиз, тўла, ориқ мисли чўп.

Хонадон жиҳози зар-олтин, кумушли,
Хасталиқдан куйиб юради, ташвишли.

Ичишади шароб, турли туман гулоб,
Нарлари мучага зор, дардманди сероб.

Зайтун мойи-ла ҳар кун ҳамшира мойлаб,
Муолажа этармиш кун-тун, авайлаб.

Уйғониб кетса гар шунда нарлик ҳисси,
Дардлари ариса анқирмиш пул иси!”

Беваларнинг гапи борар оҳ, мавжланиб,
Бири қўйиб, бири сўзлади авжланиб.

Талмовсираб жувон гул ҳидлаб атайин:
“Ҳаётга келибман очилиб ўйнайин!

Ақча тарашадай тушармиди томдан,
Ёхуд тошармиди қайнаб қумғондан?

Бирор йўлин топмоқ керак айёрона,
Боқинг кўча тўла, нарга хушторана?”

”Харидор топилур жимгина беғурбат,
Жавон зотин авранг, лабга тутиб шарбат!

Эркак эриб кетар, сариқ мойдай оқиб,
Бошингдан зар сочар, зилол сувдай тўкиб.

Баҳонаи зиёфат, чорлайсиз қучоққа,
Ноз-истигнодир ўтин ишқий ўчоққа.

Аввало ўзингиз ичиб макр гиёҳин,
Бошингизга ўраб олинг рўмол сиёҳин.

Очилиб кетасиз сиймтан қиз, лоладай,
Ташланади жавон бир сармаст боладай.

“Ҳомила тугмайин” деб берасиз “дори”,
Тез уйқуга кетгай қуриб ул мадори.

Мижоз жарроҳ столи устига етса бас,
Нарлиги олинур суғурилгандай хас!

Сўнгакларин этиб ун-талқон келида,
Наҳрда оқсин, ё сочинг ҳаво елида.

Этин қийма айлаб хушбўйни сотасиз,
Аста-секин бўлиб бой, пулга ботасиз.

Қолган ишлар маним зиммамда “жонон”лар,
Кенгашурмиз, гап шу ерда ...бекажонлар.

Дебон зап вайсади Қорақурт ишбоши,
Ярим ялонғоч ул беҳаё ёнбоши.

“Чет жойларга ишга жўнатувчи шахс”
Беном юборасиз “кўки”дан, этманг баҳс.

Бошланди бешарпа воқеа-хуфёна,
Сўйиларди мижоз пул-чун ваҳшиёна!

Маййит устухону этин шилиб бир-бир,
Гумдон этарди ул очилмасин деб сир.

Сўнгаларин этиб тегирмонда талқон,
Парранда емига қўшармиш бегумон!

Этин майда-майда этиб қийма чунон,
Воқиф бўлишга ҳеч қолдирмасмиш имкон.

Лек ота-онаси олганда мил-мил пул,
Шодланди-ку барчаси қовуштириб қўл.

Бузруквори шоён, фарзанди корчалон,
Эмишким дилбанди мансабдори калон.

Ойлар ўтди келиб турди “қўк” пуллари,
Туйилди серунум Қорақум чўллари.

Мўмай пул истабон интилди бесабрлар,
Оқибатда бўртди ном-нишонсиз қабрлар.

Мўъжазгина, кўзга ташланмас бир ҳовли,
Кўрксиз содда бино, эшиги тушовли.

Кеч тунда кимсалар гоҳо келиб кетар,
Меҳмон, талаба бир кун тунаб кетар.

Кўчадан керилиб кирарди Бевахон,
Лек боғ, йўлакдан ҳар кун ўтар тирик жон.

Иккига бўлинган ўртадан иморат,
Тузилган каззоб режа-имконият.

Келиб кетар бегона, боғ томон чойхона,
Пасти қаҳвахона, тўри ишратхона.

Бурчакда обдаста ҳам таҳоратхона,
Кирмас унга бирор нотаниш-бегона.

Макон хаспўшланган содда бениҳоя,
Ўткинчи одамга чойхўрлик кифоя.

Гулдирайди бино остида тегирмон,
Махсус ем тайёрлар паррандобоп ҳамон.

Қора бева

Тинмай кеча-кундуз ишлайди ҳар кун,
Девор қопламаси товуш тутар бутун.

Эзиб этар талқон не мардлар сўнгагин,
Паррандалар еди қолдирмай донасин.

Лек ҳар қилмишга бордир Оллоҳнинг ажри,
Сийлов ёхуд жазо, бу—Тангрим амри.

Палағда тухумлар ёрилиб оққач қон,
Палапонлар бўлди пайдо патсиз, бежон.

Кармонлар қоппаяр, лек ул асло тўлмас,
Жинойтлар содир бўлар, кимса билмас!

Илиниб анқовлар Қорақурт тўрига,
Тортилди “жонон”лар “шўх” гурунг қўрига.

Ёш “жувону қиз”лар йиғилиб кундузи,
Бевага ташриф этди қизариб юзи.

“Пул ўлсин-а, пулдор мўйловчаси куйсин,
Ақчадорга умид боғлаб “жонон” тўйсин!”

Бошланди ашула-қўшиқ ила суҳбат,
Сиймбар раққосалар хироми-ла ишрат.

Авжга чиқди гурунг, ғийбат, ўшак, туҳмат,
Синди эркакларга бўлган дилдан ҳурмат.

Бири зор эмишким, нордек эр зотига,
Бири дейди: “тушсин ўт алар отига!”

Турфа олам кимлар наларга зор эмиш,
Ҳаётда эркаклар беҳурмат хор эмиш?

Безркак хонадон бефайз, бетуғ ошён,
Бўйлаким бемаслак, бесардор оломон.

Тортанак эшиги очик кеча-кундуз,
Ҳар неки ўлжа бордир, бурдалар шаксиз.

Сўлу ростда, тому пастда гумашталар,
Кўз-қулоқ, сезади гар учса “пашша”лар.

“Кучли”лар келса гар, ўзин гунгдек тутар,
Бесас бериб хабар, сўнг сўлагин ютар.

Қорақуртнинг шаҳар ичра бисёр тури,
Макони тамаддихоналар зўр-зўри.

Ўргимчак “жувону қиз”лари хиром-ла,
Тузоққа оларди нарни мақом ила.

Ишва-ю тавозе бирлан топибон йўл,
Манман нар қалбига соларди аста қўл.

Асло бўзлатмасдан, секинроқ, ғаройиб,
Безанжир оларди асирга илжайиб.

Манзилга келарди чорлабон “хўрозни”,
Топшириб кетарди, истаб нар мижозни.

“Овсар”ни чорлабон ошённинг турига,
Авраб дер: “Марҳабо жанонлар қўрига”.

Маишат зўр, ётоқ пурпур, кайфу сафо,
Бийрон тил, малахлар хизмати ҳам аъло .

Тузоққа тушарди не мардлар йўли,
Бедарак кетарди очилмасдан гули.

Ўргимчак тури бу безанжир касофат,
Илинган билмасди қоларин тоабат?

Қорақум чўлига борсин деб эр-хотин,
Сохта турмуш қурар, олай дебон жонин.

Ўргимчакой нар-ла қурса илк бор турмуш,
Парёстикда бошлар эди сўнгги юриш.

Жонона қоларди такрор бўлиб бева,
Умр ўтарди бефайз, бедаво, бенаво!

Ғаламусона иш битгач “қассоб” зотга,
Шаҳид қони энар шу он мукофотга.

Танига қон уриб, пес афти қизарар,
Ақча деб макр ишга икки қўлин чўзар.

Не-не ўргимчакбек илиниб тузоққа,
Жигар-бағри учди Қизилқумдек ёққа.

Сўнгаклари бўлиб тегирмонда талқон,
Паррандага бўлди ем, қаппайди кармон.

Ҳийла қопқонига тушган марду майдон,
Жимжимадор турдан ҳеч чиқмасди омон!

Минг бир макру ҳийла ишлатиб каззоблар,
Ўлжасин бенидо сўярди “қассоб”лар.

Турфа макр мақом-ла суркалиб “айёр”лар,
Кўксин очиб мучанг ақчага сотарлар.

Чет жойга борувчи ортди кунба-кун,
Не мардлар алданиб йўқолди бус-бутун.

Авралган ўғлонлар боғланиб безанжир,
Бева камандига тушарди бирма-бир,

Фарзандлару ёри кутарди, интизор,
Ота-ю онасин кўзлари йўлда, зор.

Кутарди ҳар баҳор Наврўзи айёмда,
“Кириб келар” дебон шодланиб байрамда!

Гул тутарди сават-сават бағрин очиб,
Жони жаҳони гар келса қалбин очиб.

Соғинчлари қамраб самони интиқ, зор,
Айтолмаган сўзлар бамисли шеър-ашъор.

Кунлар кетидан кун қувиб, ўтди йиллар,
Ному нишони йўқ, озурда кўнгиллар.

Қорақурт тортанак турин ёйди кенгроқ,
Ипларини чирмади ўзга юрт, баттар.

Ҳар маконга мансуб этди бир бевани,
Нарлар турга тушса, демакки ўлгани.

Жингиларда турдан-турга утиб борар,
Беиз аста бир-бир нарни “териб” олар.

Мучагирлар четда ортди ақча санаб,
Жигар, буйрак, талоқ, дилу ичак сураб.

Харидор бозори Қорақумда чаққон,
Қизилқумда сураб турмас, нархи норвон.

“Чарс-чурс” қайнаб тошди кук ақча қозони,
Харидор мул, кимса уйламас жазони.

Келарди оқиб ёш-яланглар беманзил,
“Четга юборинг” дер, билмай охири зил.

Ўрганиб ҳар мижоз овсар — пухталигин,
Белгиларди сунгги “пайкон” кимгалигин.

Гойибона, беиз тунда кетгач овсар,
Мучаларин жарроҳ қилар ағдар-тунтар.

Ажратиб тур-турга аъзолар навини,
Олтин сирли жомга соларди барини.

Музлатгичга қалаб, жойлаб муча борин,
Ростларди зарурий ҳарорат меъерин.

Пихин ёрган жарроҳ, жонсарақ ҳамшира,
Кўзларин босганди ажабо пулшира.

“Қассоб”лар эдилар урғочи зотидан,
Тушмоқни истамас қабоҳат отидан.

Кўринмас зарбинт-ла боғланганди оғзи,
Гар “чурқ” этса тили, кесилади бўғзи!

“Қассоб” тўрт ёнида турар саккиз бева,
Барзанги полвонлар ирғанмай бешиква.

Оқ ятакли ўргумчак беназир юзи,
Бетиним боқарди тик олтмиш тўрт кўзи.

Айғоқчилар зоти санғиб, ҳушёр юрар,
Олти томонин равшан кўриб турар.

Кўча-қуйда, ишда юрар билдирмасдан,
Етқизар хабарни тезкор эскитмасдан.

“Қора иш”га керак девсифат барзанги,
Хирароқ бўлса-да бу “хўроз”нинг ранги.

Бўлмасин деб гумон — ноўрин эътироз,
Боқиларди ўн кун синаб, соғлом мижоз.

Яхши ҳордиқ, кучли таом мардлар жони,
Товланарди ранги-туси жўшиб қони.

Сўраб турар тез-тез “жунашин” бебошлар,
Тақдир тақозасин қайдин билур ёшлар?!

Қилмаслик-чун Бева бирорта ҳам хато,
Мижоз утарди тиббий кўрикдан, ҳатто.

Синовдан аёло ўтгач, нарлар бадастир,
“Жунаш” манзилига кирарлар бирма-бир.

Барчаси “жунарди” ярим тунда ёлғиз,
Мутлақо сирли тун, сезмас ҳеч ким, ҳаргиз.

Иш талабгор хонага аста кирган он,
“Дармондори” берар эҳтиёт-чун “ёрон”.

Бир лаҳзада қуриб силласи-мадори,
Уйқуга кетарди мижоз беқарори.

Юзига тортиб оқ ёхуд лоларанг мато,
Қассоблар мижозни чавақлар бехато.

Апил-тапил кўкрак қафаси ёрилар,
Сачратиб қонини юрак ҳам юлинар.

Сўнгра албат жигар, буйрак, ўпка, талоқ,
Жасад ичи бўшаб қоларди ул мутлоқ.

“Қаср”га кирган қайтиб чиқмас дарвозадан,
Бенишон учарди айрилиб аъзодан.

Маишатга Бева бўккиб, сайрар чунон,
Буралиб тил мисли кўзойнакли илон.

Қаён кетди пул деб бенишон жигарбанди,
Кимларга “қул” бўлди суюкли дилбанди?

“Ургимчак”лар, ота-онаси сўроқлар,
Эшитмадим деманг “кар”-оғир қулоқлар!?

Қаердадир бор-ку шарпа ёхуд бир из,
Кўрмадим демайлик “йиртқич”ни сизу биз.

Хат келди-ку ўтиб бесарҳад чўллардан,
Изин топай, деб чол ўтди тоғ йўллардан.

Бош макон топилур исталса албатта,
Кимлар яшар танҳо, бекиниб узлатда.

Қалби вайрон ота кўрганди қанчасин,
Отланди шитоб-ла тутиб зирк ҳассасин:

“Иморатсоз бўлса уйлар бунёд этар,
Йилига бир марта сабр-ла келиб-кетар!

Бадавлат этди ўғлони, яшарди тўқ,
Йиллар ўтди пули бору нишони йўқ!

Кўрмадингизми, мен боламини излайман,
Кеча-ю кундуз, ҳар кун йиғлаб бўзлайман?!”

Сўроқлаб чиққанди ошиб тоғ, қирма-қир,
Туқайга ҳам етди қадам босиб бир-бир.

Ургимчаклар гапин тинглади этиб сабр:
Миш-мишга кўра кўплар тортганмиш жабр?

Дейишарлар дурга тўлгач сирли ҳуққа,
Хешлардан этар ул жудо, чиқар “йўқ”қа?.

Ўора бева

Бошланур ўзаро жанг, эҳтиётсизлик,
Васвасага тушар экан кибор бошлиқ.

Мулкдорда гар ортса ақча, лаъл мабодо,
Демас: “Семизликни қўй кутарар”, танҳо.

Ўзаро бўлолмай ҳаром бойликни гоҳ,
Кеккайиб, демасдур асло иншооллоҳ.

Қорақурт ютибон ўзга тегишин танҳо,
Сўрарди мижозлар қонин бу “аждаҳо”!

Билмай қолиб босар-тусарин, увлашди,
Каззоблар важоҳат чўғи-ла қувлашди.

Теппа-тенг бўлолмай бурдани ўзаро,
Нафс бўронида сўнг чиқарди мажаро.

Гар очилса тубсиз нафс ўпқонин кўзи,
Оғзига урвоқ ҳам бўлмас семиз кўзи.

Бўлолмай тенг лаъл дурни тақсимотда,
Бош қонхўр Қорақурт қолди касофатда.

Аввал қовоқ уйди жарроҳу ҳамшира,
Сўнгра тегирмончи дилин этди хира:

Чўчиб қочар бўлди хуфёна бебурд қурт,
Истади беташвиш, бекас сокинроқ юрт.

Тасодифан мижоз чиқиб қолгач таниш,
“Қаср” туйнугин очди, ҳамшира суқмай ниш.

Кушхонадан чиқди қора машъум тунда,
Ҳақ қонун посбонин қучди сабр-ла шунда.

Адолатнинг ҳукми бўлгач чўнг, устувор,
Албат топгай жазо қонхўрлар муқаррар!

Қорақурт қўлига тушгач занжир-кишан,
Қолмади ўргумчак тўдасидан нишон.

Ёшу қари, каззоб, қонхўр ўргумчаклар.
Юлинди ҳаётдан мисли зарпечаклар

Лек нафс гирдобида учраб турар ҳамон,
Қонхӯр, юлғич, каззоб тўлқини беомон!

Олам гултожи, замин сарвари инсон,
Ақл соҳиби сен уларга келтир қирон!!!

Ўргимчаклар сарғиш, қўнғир, ёшу қари,
Жабрдийдалар шаҳид кетди эсиз бари.

Қора бева — иблис корин ҳосиласи,
Содда, бефарқ, овсар жонзот фожиаси.

Иншоолоҳ, олгай жазойи ажрини,
Илойим сиз кўрмангиз иблис жабрини!

Хотима

Ҳаёт гулшанида фириб-ла кўриб кун,
Яшар гулрӯ санам, номард зотлар бугун.

Тутиниб дўсту ёр, парвона, учарлар,
Боринг ўмариб ё жон олиб қочарлар.

Ҳушёр бўл, эл-юрт, эрк, Истиклол фарзанди,
Ўзлигинг англа, бўлмагин нафсга банди.

Зеро, — сен адолат юртига меросхўр,
Ҳар қадаминг босмоқдан аввал ўйлаб кўр.

Каззоблар илдизин кес, эй буюк авлод,
Ватан-чун эт жон фидо, шул асл мурод!

Қора бева

МУНДАРИЖА

Мажозий тимсоллар ортидаги ҳикматлар (Муҳиддин Омон).....	3
Муқаддима.....	8
Қора бева макри.....	9
Хотима.....	25

Адабий-бадиий нашр

ҒУЛОМ ЖЎРА

Қ О Р А Б Е В А

достон

Муҳаррир

Расом

Саҳифаловчи

М. Омон

Ш. Хўжаев

С.Саидрашадов

Нашриёт лицензияси AI-170. 23.12.2009.
Босишга рухсат этилди 19.02. 2015.
Бичими 84x108¹/₃₂ Офсет қоғози. Times Uz гарнитураси.
2,0 наshr т. 1,5д шартли б.т.
Адади 500 нуска. Буюртма № 184.

«Navro'z nashriyoti», Тошкент ш.,
Амир Темур к., 19-уй.

«SAYDANA-PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Қамарнисо к., 3. тел.: 162-08-43.